“Тасдиқлайман”
Хоразмсувқурилишинвест” ДМ
директори
_____А.Қурбонбоев
“ 06 ” 11 _____2022 йил

Буюртмачи: “Хоразмсувқурилишинвест” ДМ
Гурлан тумани “Деҳқон МФЙ” ҳудудига Темир Йўл вокзали қуриш ишлари олиб борилаётган бўлиб, вокзалга олиб борувчи йўл маҳалла ҳудудидаги заҳкашни кесиб ўтиши натижасида заҳкаш кўмилиб қолган объектига смета-лойиҳа хужжатларини ишлаб чикишга

ТАНЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИ

Урганч шаҳри -2022

Танлов Иштироқчилари Учун Йўриқнома

Ушбу йўриқнома 2021 йил 22 апрелдаги №684-сонли Ўзбекистон Республикаси "Давлат хариддари тўғрисида"ги Қонунига асосан ҳамдаЎзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 майдаги давлат харидларини амалга ошириш билан боғлиқ тартиб-таомилларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиклаш хакида 276-сон қарори асосида ишлаб чикилди.

Танлов предмети ва тахминий қиймати

1.1 Буюртмачи "Хоразмсувқурилишинвест" давлат муасасаси Гурлан тумани "Деҳқон МФЙ" ҳудудига Темир Йўл вокзали қуриш ишлари олиб борилаётган бўлиб, вокзалга олиб борувчи йўл маҳалла ҳудудидаги заҳкашни кесиб ўтиши натижасида заҳкаш кўмилиб қолган объектига смета-лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чикиш.

1.2. Танлов киймати — 37 500 000 (Ўттиз етти миллион беш юз минг) сўм. Ушбу қийматдан ортик қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чикилмайди.

1.3. Техник топшириқ танлов ҳужжатларининг техник қисмида илова қилинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиқган лойиҳачи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4 Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 5 иш кунда тулиқ бажариш талаб килинади.

2. танлов ташкилотчилари

2.1. "Хоразмсувқурилишинвест" давлат муассасаси (бундан кейин-"Буюртмачи" деб аталади) -танлав ташкилотчиси хисобланади. Буюртмачи" манзили: Урганч шаҳар Ўзбекистон овози 2 а -уй Эл.манзил: xorazm.invest@minwater.uz

2.2. Танлов "Буюртмачи" томонидан танловлар Ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. Танлов иштироқчилари

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган барча юридик макомга эга булган ташкилотлар иштироқ этиши мумкин.

3.2. Танловда иштироқ этиши учун талабгорларга куйидаги малакавий талаблар талаб этилади:

танлов предмета қийматининг камида 15 фоизи микдоридаги айланма маблағларининг ёки курсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлса меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги; шартномалар тузиш юзасидан фукаролик, ҳукукий лаёқат ва ваколатлар; танлов объектига

ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги; ўз кучлари билан илгари бажарилган иш хажмлари тўғрисидаги маълумотлар; танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлмаган ҳолда);

Лойиҳалаштириладиган объект лойиҳалаштириш тоифасига кура 3-тоифали, Лицензияси бўлиши, шунга ўхшаш объекларда ишлаган бўлиши лозим. Низом маблағи микдори. Агар танлов предмети бўлса ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият конунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштироқ этиш учун белгиланган тартибга мувофик тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга руҳсат этилади.

3.3. Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштироқ этишга рухсат берилмайди: кайта ташкил этилиш (ажратилиши, кушилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар ҳамда молиявий иштироқ, ҳолдинг ва бошка шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳукукий ёки бир бирига молиявий қарамлиги ва олдин ишлаган объектлар бўйича ишлар ўз муддатида бажармаган ва лойиҳачини айби билан муддати ўтган ишлари мавжуд бўлса

3.4. Танлов иштироқчилари - танлов предметининг лойиҳа ҳужжатлари, хусусан, лойиҳани график кисми (чизмалари) билан танишиб чикиш ва танлов таклифини тузиш учун буюртмачига (танлов ташкилотчисига) тақдим этилиши хакида мурожаат қилишга хаклидирлар.